O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 июн чоршанба

Сотувда эркин нархда № 108 (2405)

## ЭРОНДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

**Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобларининг тақдимот маросими бўлди.**

Тақдимот маросимида Теҳронда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ давлатлари бош департаменти ходимлари, Халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти раҳбарлари, Эрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда «Мустақилликда синалган» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Фильмдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Эрондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси И. Акромов И. А. Каримов асарларининг қисқача мазмуни хусусида тўхталиб, Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилиши жараёнини тасвирлаб берди. Шунингдек, давлат раҳбари томонидан минтақавий хавфсизлик, тинчлик, барқарорлик, мамлакатда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни сақлаш борасида амалга оширилаётган чоралар ҳақида сўзлади.

Озарбойжон Республикасининг Эрондаги элчиси А. Ҳасанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий йўналишини ривожлантириш, ўзбек халқининг миллий ва маданий қадриятларини тиклаш борасидаги ҳиссасини юқори баҳолашини таъкидлади.

— Илгари Ўзбекистонни иқтисодий муаммоларни ўзига хос услубда ҳал этаётгани учун танқид қилишарди, — деди икки йилдан зиёд вақт мобайнида мамлакатимизда дипломатик ваколатхонанинг раҳбари сифатида ишлаган, айни пайтда Япониянинг Эрондаги элчиси У. Могасаки. — Аммо Ўзбекистон Президентининг ўша пайтдаги иш услуби ҳаёт тақозосидан келиб чиққан эди. Ҳозир эса биз ана ўша ҳаракатларнинг самарасини кўрмоқдамиз, бунда эса, шубҳасиз, Президентнинг ҳиссаси беқиёсдир, — таъкидлади элчи.

Жаноб У. Могасаки Ислом Каримовга ўз ҳурматини изҳор этиб, давлатимиз раҳбарига соғлиқ ва хотиржамлик, юртимизга эса фаровонлик тилади.

Тадбирнинг расмий қисми якунидан сўнг тақдимот маросими иштирокчилари Президент И. А. Каримов асарлари кўргазмаси, «Ўзбекистон — менинг Ватаним» болалар расмлари стенди билан танишдилар.

**«Жаҳон» АА.**

«Ғалла — 2000»

## ҒАЛЛА ЎРИМИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ



*Бу йил Хоразм далаларида ғалла анча эрта пишиб етилди. Деҳқонларнинг ризқу рўзи бўлган «қирмизи дон»ни йиғиштириб олишга Хива тумани ғаллакорлари биринчилардан бўлиб киришдилар. Айни кунларда туман ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари кечаю кундуз давом этаяпти.*

*Жорий йилда хиваликлар 896 гектар майдондаги ғаллазорнинг ҳар гектаридан 51 центнердан ҳосил олишни кўзлаб астойдил меҳнат қилишмоқда. Айниқса, тумандаги «Ал-Беруний» ширкатлар уюшмаси миришкорлари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Улар 113 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 55 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган.*

**СУРАТЛАРДА: (чапдан) пудратчи Ҳожибой Авазматов, ҳосилот Рўзмат Бобожонов ва муҳандис Бахтиёр Хўжаевлар; «Ал-Беруний» ширкатлар уюшмаси далаларида ғалла ўрими давом этмоқда.**

**Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Она юрт бўйлаб...

*Ташаббус*

### ЎҚИТУВЧИ — БОШ НАЗОРАТЧИ

Жиззах вилояти халқ таълими фаоллари йиғилишида, айтиш мумкинки, антиқа мурожаатнома қабул қилинди: соҳа ходимлари вилоят аҳлига етиштирилган ғаллани вақтида, тўла-тўкис, талон-тарож қилмасдан йиғиштириб олиш даъвати билан чиқдилар. Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг жуда катта гуруҳи ғалла ўримида фаол иштирок этажагини билдирди.

Халқ таълими фаолларининг аҳду қарори вилоят ҳокимлигида қўллаб-қувватланди. Ўрим-йиғимда фаолият кўрсатадиган комбайнчиларнинг ҳар бир отрядига ўқитувчилар вакиллари бириктириб қўйилди. Улар ҳар қайси комбайн билан қанча ғалла майдони ўрилгани, ҳосил миқдорини аниқлаб, хирмонга беками кўст етказилишини назорат қилишади.

*Янгилик*

### ҚИШИН-ЁЗИН БИРДАЙ

Сирдарё вилояти товар-хомашё биржаси негизида аҳолига мунтазам равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берадиган ярмарка ташкил этилмоқда. Бу иш туфайли нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишининг олди олинади. Уни доимий равишда зарур маҳсулотлар билан таъминлашни вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, вилоят "Мевасабзавот" бирлашмаси, шунингдек, туман ҳокимлари ўз зиммаларига олишди.

Айни кунларда аҳоли эҳтиёжи ўрганилиб, шартномалар тузилаяпти. Йил давомида маҳсулотларни сифатли сақлаш учун омборхона ва совуқхоналар тайёрланмоқда.

*Театр*

### САҲНАДА ФРАНЦУЗ САНЪАТКОРЛАРИ

Эртага Алишер Навоий номидаги Катта театр саҳнасини Нант Миллий хореография марказининг машҳур балет труппаси эгаллайди. Рақс устаси Бенжамин Ламаршнинг «Икар» спектакли ўзбекистонлик мухлисларни маҳлиё қилиши аниқ. «Фавқулодда саргузашт» балети намойиш этилади. Ҳар икки асарни таниқли хореограф Улод Брюмашон саҳналаштирган. Бу — Франциядаги мазкур Нант балет мактаби санъаткорларининг мамлакатимизга дастлабки ижодий сафаридир.

*Соғлом авлод йили*

### ҚУВНОҚ ФЕСТИВАЛ

Навоий шаҳрида ногирон болаларнинг анъанавий тўққизинчи фестивали ўтказилди. Турли мавзудаги расмлар кўрик-танлови ўтказилиб, ногирон болалар иштирокида концерт уюштирилди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида барча аттракционлар уларга бепул хизмат кўрсатди. Ушбу қувноқ фестивал жисмоний имкониятлари чекланган бўлса ҳам, ҳар бир бола ўз қобилиятини намоён этишга интилишини кўрсатди. Навоий шаҳар ногиронлар жамияти қошида «Илҳом» мусиқий-фолклор ва «Арнолд» спорт клублари фестивал иштирокчилари хизматида бўлди.

*Спорт*

### МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Қозоғистонда самбо бўйича Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Чемпионатда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди. Ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда полвонларимиз 6 та медални қўлга киритишди. Т.Ўтаев ва Б.Ҳасанов олтин, Р.Бердибоев, И.Одилов, Н.Рустамов ва А.Бозоров бронза медалларни олишга муваффақ бўлди.

Турнирда Ўзбекистоннинг ёшлар жамоасига ҳам омад кулиб боқди. П.Латипов, У.Жабборов ва И.Тахтамов олтин медалларга, Х.Мухторов, У.Иброҳимов ва А.Абдуллаев бронза медалларга сазовар бўлишди.

Катталар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ҳамюртларимиз Б.Ҳасанов олтин, Ш.Жўраев кумуш, С.Эргашев, урганчлик А.Абдуллаев ва тошкентлик А.Абдуллаев ҳамда У.Жабборов бронза медаллар соҳиби бўлишди.

**«Халқ сўзи», ЎзА ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## АЛИ ПОЛВОН АҲД ҚИЛДИ

Шу йилнинг биринчи чорагида Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишида қўмита «Қишлоқ хўжалиги (кооперативи) тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё вилоятидаги ижросини ўрганиш натижаларини таҳлил қилган ва шу асно қизиқ бир рақам тилга олинганди: ўтган йили вилоятда атиги тўртта ширкат хўжалиги йилни 11,8 миллион сўмлик соф фойда билан якунлаган. Қизиғи, ана шу тўртта хўжаликнинг ҳаммаси Ховос туманидан экан.

«Ўзбекистон мустақиллиги беш йиллиги» ширкат хўжалигини Ховосда энг оғир, шўрланиш даражаси баланд хўжаликлар сирасига киритишади. Сув тақсимотида ҳам туманда «қулоқ» охирида тураркан. Шунинг учунми, Мустақилликнинг беш йиллиги арафасида қайтадан ташкил этилганида ҳеч ким «мен раҳбар бўламан» деб отилиб чиқмади. Қайта ташкил этилмасидан бурун унинг қарамоғидаги ерлар тўртта майда хўжаликка бўлинганди. Ана шу майда хўжаликларнинг умумий майдони 7 ярим минг гектар бўлиб, 3000 гектарига экин экиларди. Қолгани, шўрхок, қуму биёбондан иборат эди. 1996 йилда тўртта хўжалик ҳаммаси бўлиб, 100 тоннага яқин пахта, 100-150 тонна атрофида ғалла йиғиштириб олди. Ҳолбуки, пахта минг гектардан зиёд, ғалла ҳам шундан кам бўлмаган ерга экиларди. Ана шундай аҳволдаги тўртта хўжалик «Ўзбекистон мустақиллиги беш йиллиги», деб аталиб, битта хўжаликка бирлаштирилди. Энди унга бир раҳбар керак эди. Таклиф этилганларнинг кўпчилиги «уялиб қоламан» деб ҳадиксиради. Шунда туман оқсоқоллари Али полвон Холназаров номзодига тўхталиб, «ҳам ўзи, ҳам иши полвон, эплайди, четдан одам излаб нима қиламиз, рози қилсак, бўлгани», дейишди. Али полвон ўшанда юрак ютиб туманда биринчилардан бўлиб «Истиқлол» деб номланган деҳқон-фермер хўжалигини очган, 40 гектар ғаллазордан 145 тонна, пахтадан эса 29 центнердан ошириб ҳосил олишга эришганди.

Бу чўл шароитида нафақат туманда, балки вилоятда ҳам катта кўрсаткич эди. Ва ана шундай меҳнатлари, очиқроқ айтганда, фидойилиги учун 1997 йилда юксак мукофот — «Дўстлик» ордени билан тақдирланганди. Ана шуларни ўйлашдими, ҳарқалай, узоқ фикр қилиб, ўзимизнинг Али полвондан яхшироғи йўқ, деган хулосага келишди.

— Келсам, хўжаликнинг тузукроқ идораси ҳам йўқ экан, — дейди Али полвон. — Умумий майдони 7 ярим минг гектар келади. Уни ҳеч бўлмаса икки кунда бир айланиб чиқишинг керак. Хўжаликнинг ҳатто тузукроқ енгил машинаси ҳам йўқ. Аҳволни кўзим билан кўриб, мен ҳам чўчиб кетдим. «Тинчгина фермер хўжалигингни юргизиб юрмайсанми, ишни йўлга қўйиб олгандинг, шунинг орқасидан орденли ҳам бўлгандинг», деб ўзимни ўзим роса койидим. Чўлу биёбонда бир ўзим қолиб кетгандек бўлдим. Хайрият, бу ерда ҳам фидойилар бор экан. Уларни тўпладим, ана шулар ёнимга киришди. Ўргандим, ўргатдим. Ҳоким ҳам далда бериб турди. Бир йил деганда, хўжаликнинг табиатини тушуниб олдим: қайси ерга нима керак, қайси ернинг аҳволи қандай, ҳозир беш бармоғимдек биламан.

Қаттиқ ва тинимсиз меҳнат қисқа фурсатда ўз самарасини берди. Агар бундан аввалроқ ана шу ҳудудда жойлашган тўртта хўжалик ҳаммаси бўлиб 100 тоннадан зиёдроқ пахта, 100-150 тонна ғалла берган бўлса, орадан кўп ўтмай шунча ердан давлатга 1100 тонна пахта, 1200 тоннадан зиёд ғалла сотилди. Ҳосил бирданига ўн бараварга кўпайди. «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган халқ нақли яна бир бор ўзини оқлади. Ана шу аснода, айтиш жоизки, хўжалик аҳолисининг турмуш тарзи ҳам кескин ўзгарди. Тўй-ҳашамлар ҳам кўпайди, дастурхон тўкинлашмоқда.

Хўжалик аҳли ташаббуси билан ўтган йили Али полвон Холназаров ўз номзодини вилоят Кенгаши депутатлигига қўйди. Рақиблари ҳам анойи эмас эди. Депутатлик учун кескин ва ошкора кураш кетди. Сайловчилар депутатликка ҳам Али полвонни танлашди. Али акани полвон сифатида Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, Ўш ва Хўжандда ҳам яхши танишади. У фарғонача кураш бўйича узоқ вақт «мана-ман» деган полвонларнинг курагини ерга тегизиб, даврани ҳеч кимга бермай келган. Шу боис ҳам уни «ҳам ўзи, ҳам иши полвон» дейишади-да.

Президентимиз иштирок этган Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида Али полвон Холназаровга сўз беришди. У полвонларга хос содда ва самимий гапирди, фикрлари барчага маъқул бўлди.

Али полвон Холназаров буларнинг ҳаммаси Мустақиллигимиз шарофати, деб билади. Мустақиллик бўлмаганида бундай кунлар қаёқда эди, дейди. «Мендай оддий бир одам мустақил фермер хўжалиги очолармидим, орден ололармидим, депутатлик-чи? Юртбошимизнинг самимий илтифотини айтмайсизми», дейди у.

Мустақиллик – улуғ неъмат. Унинг улуғлигини, унинг азизлигини йиллар ўтган сайин фуқароларимиз тобора чуқурроқ, тобора теранроқ англаб бораверадилар. Унинг амалдаги исботини кўзлари билан кўрганлари сайин фидойилик, ташаббускорлик сифатлари ортаверади. Мустақиллик – ҳам машаққатли, ҳам улуғ йўл. Унинг обод ва кўркам бекатлари бор. Бу бекатлар ўтган ва ўтаётган йиллар, ойлардир. Бу бекатларни Али полвон Холназаровга ўхшаш одамлар, сизу биз қурамиз, янада кўркам ва обод қиламиз. Унинг бекатлари, илоҳим, янада кўпайсин, бундан-да обод ва кўркамроқ бўлсин.

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




## Туб ўзгаришлар сари

Сирдарё вилоятида санацияга тушган хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатиш режаси ишлаб чиқилди. Унга биноан, зарар кўриб ишлаётган жамоа хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Шуни назарда тутиб, вилоят ҳокими банк, молия, солиқ ва статистика мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузиш ҳақида қарор қабул қилди.

**(ЎзА)**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• Санкт-Петербургда Норвегия-Россия ҳукуматлараро комиссияси иш бошлайди. Унда икки давлатнинг ядро энергетикаси хавфсизлиги борасидаги ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилади.***

***• Франциянинг Лион шаҳри яқинида йўловчи поезднинг ҳалокатга учраши террорчилик ҳаракати натижаси деб баҳоланмоқда. Маҳаллий полициячилар ва террорчиликка қарши кураш миллий дивизиони мутахассислари шундай фикрга келдилар.***

***• Швеция ташқи ишлар вазири Анна Линд Москвада бўлиб ўтган Россия-АҚШ саммити якунларини ижобий баҳолади.***

***• Индонезия ҳукумати Суматра оролида юз берган зилзила оқибатларига барҳам бериш учун жаҳон ҳамжамиятидан ёрдам сўради. Маълумотларга қараганда, ушбу фожиа оқибатида 60 киши ҳалок бўлган, 500 киши жароҳатланган, кўплаб одамлар бошпанасиз қолган.***

***• Германия канцлери Герҳард Шрёдер Болтиқбўйи давлатлари бўйлаб сафарга чиқди. Бўлажак музокараларда Болтиқбўйи давлатларининг Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилиши ҳамда икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилади.***

***• Буюк Британияда ёғган узлуксиз ёмғир табиий офатга айланди. Ғарбий Йоркширда сув тошқини юз берди ва 500 дан ортиқ уй сув остида қолди.***

***• Покистоннинг Пешовар шаҳрида икки мингдан ортиқ тадбикор оммавий намойиш ўтказди. Улар ҳукумат жорий қилган янги солиқдан норози.***

***• Кубада "Сайёҳлик соҳаси учун технология ва озиқ-овқат" халқаро кўргазмаси очилди. Ўттиз иккинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирда икки юздан ортиқ фирма ва компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.***

***• Чеченистоннинг тоғли ҳудудларида ҳозир 1,5 минг жангари яшириниб юрибди. Россиянинг Шимолий Кавказдаги бирлашган қуролли кучлари раҳбари Геннадий Трошев журналистларга шундай маълумот берди.***

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

*Бир маромда ривожланишнинг муҳим омили — экологик хавфсизлик тизимини яратиш бугун жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммодир. Куни кеча Тошкентда ўтган халқаро конференция мана шу масалага бағишланди.*

*Конференцияда вазирлик ва ташкилотлар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, миллий маданий марказлар, «Экосан» халқаро жамғармаси, ноҳукумат ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасидаги барча сиёсий партиялар, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Иштирокчилар экологик маданият — тинчлик маданияти, хавфсизликнинг муҳим омили эканлигини таъкидлашди. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг конференция қатнашчиларига мактуби ўқиб эшиттирилди. Халқаро конференция иштирокчилари Умумжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан барча халқлар, давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаатнома қабул қилишди.*

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**

## ҲАЙЪАТ БАҲОСИГА ҲАЙРАТ

*«Ёлғон»ни ўқиб*

Аввало, айтиш керак ЎзА мухбирлари Абдужалол Тайпатов ва Мусулмон Намозовларнинг куни кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Ёлғон» сарлавҳали мақоласи журналистика ҳаётида яна бир силсиладир, десак муболаға бўлмас. Ислоҳотларга ғов бўлаётган иллатларни фош этишда «Тўртинчи ҳокимият»нинг зийраклиги, тийраклиги ва кўзбўямачиликка муросасизлигини муаллифлар ички бир туғён ила қаламга олишган. «Ёлғон» кўпчилик қатори мени-да бефарқ қолдирмади. Унга муносабатимни билдиргим келди.

13 апрел куни кеч маҳал эди. Биз ҳам «Туркистон» саройига бордик. Ҳамма вилоятлардан «Ташаббус-2000» танловига даъвогарлар келишган. У ёқ-бу ёқни қараган бўлдик. Шундоққина рўпарамизда «КаМАЗ» машинасининг ёнида бир оқсоқол кўрпача тўшаб, ёнбошлаб ётарди. Қариянинг олдидан бефарқ ўтолмадик. Оппоқ соқолли нуроний чол кўзимизга чироқдай кўринди. Бориб саломлашдик. Қизиқдик.

— Деҳқонободданмиз, баччам. Ёшим 78 да. Ўтган йил Ҳажга бориб келдим. Бу замоннинг қарияларииям тинчимайди-да, фермер ўғлим билан «Ташаббус»га келганмиз.

Буванинг қўлини сиқиб хайрлашдик...

14 апрел. «Ташаббус-2000»нинг танлови бошланди. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги шаҳарликларга ўзи етиштирган картошка, пиёз, гуруч, сабзи, ловия, нўхот, гўштни арзон нархда пуллаётибди. Бир томонда ош дамланган, рўпарадаги машина устида эса «Умид»га қарашли 700-800 килограмм чиқадиган новвос пишқириб, ўтган-кетганнинг эътиборини тортади... Ёш ҳам, қари ҳам белига тухум қўйса турадиган новвосга томошабин.

Тушликдан хиёл ўтгач, қопқора рангдаги давлат белгили машина «Туркистон»нинг эшиги олдига келиб тўхтади. Ундан тушган кишини иззат-икром билан кутиб олдилар. Қучоқлашиш, ўпишиш дегандек. Режага кўра, ташаббус иштирокчиларининг тақдим этаётган маҳсулоти, пештахтада териб қўйилган ноз-неъматлари ҳайъат томонидан бир-бир кўриб чиқилиши, баҳоланиши мўлжалланган экан. Аммо ундай бўлмади... Яккаяримига қаралгандай бўлинди-ю, тамом. 90 фоиз тадбиркор, ҳунарманд, фермер бу эътиборсизликдан совуқ терга тушганича қолаверди.

Ишлар якунига етди. Ғолиблар эълон қилинадиган бўлди. Негадир ташаббус иштирокчиларининг бир гуруҳи (ҳаммаси эмас) «Туркистон» саройи ўриндиқларининг олдинги қаторидан жой эгалладилар. Ё, тавба, инсоннинг «сезгирлиги»га қойил қолгандик. Ўшалар ғолиб, ўшалар совриндор, деб эълон қилинса бўладими? Лекин, қарангки, иш шунчалар «мукаммал» ташкил этилган экан-а, уларнинг ёнидаги ўриндиққа совринсиз қолган иштирокчиларнинг бирортаси ҳам яқинлашмади, «адашиб» ўтирмади! Аслида ғолиблик эълон қилингунча натижа мутлақо сир тутилади-ку. Ё бошқача йўли ҳам бор эканми?

Агар жуда ҳам билишни истасангиз, эшитинг. Ўша қора машинадан тушган акани қучоқлаб кутиб олган киши фермерлар ўртасида «Ташаббус-2000»нинг бош совриндори бўлди. «Ўзбекистоннинг энг яхши фермери» мартабасига эришди. «Дамас» микроавтобусининг калитини олди. Бу «Ҳолиқ ҳожи» фермер хўжалигининг раҳбари, биз бир кун олдин саломлашган нуроний отахон ҳожи буванинг ўғли Сайфулла Бекназаров экан...

«Ёлғон»да С. Бекназаровнинг «Олой» бозоридан маҳсулот — колбаса, пишлоқ сотиб олиб, уни «Ташаббус-2000»га тақдим этгани таъкидланган. Шу ўринда «Ташаббус»нинг ҳайъатига бир саволимиз бор. Нега сиз улуғ ниятлар билан бошланган ишга хуфёна кўз билан қарадингиз? Бозорнинг колбасаси билан фермернинг колбасаси ўртасидаги фарқни билмасмидингиз? Агар бу ерда бошқа мўъжиза бўлса, айтинг, биз ҳам хабардор бўлайлик.

Ачинарли томони, бу беписандлик, манманлик Деҳқонобод туманидан бошланиб, республикагача кўтарилди. Жаноб фермер кўзбўямачилик қилиб, таъбир жоиз бўлса, отасини алдади, халқини алдади, Президентини алдади. Бунга фақат, фермер айбдор дейсизми? Йўқ! Манфаатдор шахслар ҳам айбдор. Баҳони қўйишда қўли сирпанган туман, вилоят ва республикадаги ҳайъат айбдор. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

«Ташаббус-2000» танловидан кўзланган мақсад, эзгу ният жуда ҳам юксак. Юртимизда тадбиркор, ҳунарманд, фермерларни кўпайтириб, уларга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий мадад бериш, қўллаб-қувватлаш «Ташаббус»нинг бош мақсади эканлигини биламиз. Қарангки, бир ҳовуч кимсалар аллақачон ундан фирибгарлик йўли билан, сурбетлик мақсадида фойдаланишга ҳам улгурибди. «Ташаббус-2000»даги бу кўзбўямачиликдан сўнг кўнгли ишдан совиб, афсус ила бош чайқаган ташаббус иштирокчилари ҳам бўлгандир. Ўшаларга айтадиган сўнгги гапимиз тубандагича: қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Айбдорлар жазоланади. Тараққиёт йўлига хизмат қилувчи «Ташаббус» танлови давом этади. «Ташаббус-2000» ҳайъатининг фаолиятини эса... билмадим.

**Қурбон ЭШМАТОВ.**

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# Экологик экспертиза тўғрисида

**1-модда. Экологик экспертиза тушунчаси**

Экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

**2-модда. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Экологик экспертиза мақсадлари**

Экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

**4-модда. Экологик экспертиза турлари**

Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит тарзида амалга оширилади.

**5-модда. Экологик экспертизанинг асосий принциплари**

Экологик экспертизанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

холислик;

асослилик;

экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;

ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумпцияси;

хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслилиги.

**6-модда. Экологик экспертизанинг ошкоралиги**

Экологик экспертиза буюртмачилари уни ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беришлари мумкин. Бундай ҳолда экологик экспертиза тугалланган кундан бошлаб бир ой ичида унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади.

Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилиши шарт бўлган объектларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**7-модда. Экологик экспертиза экспертининг мустақиллиги**

Экологик экспертиза буюртмачиси ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг экологик экспертиза экспертининг фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

**8-модда. Экологик экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқлари**

Экологик экспертиза буюртмачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик экспертиза ўтказиш масалалари бўйича маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш;

экологик экспертиза экспертларига экологик экспертиза объектлари хусусида таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришлар ва экологик аудит натижаларини тақдим этиш;

қўшимча экологик экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш;

экологик экспертиза ўтказилишининг бориши ҳақида ахборот олиш.

Экологик экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**9-модда. Экологик экспертиза буюртмачисининг мажбуриятлари**

Экологик экспертиза буюртмачиси:

экологик экспертиза учун материалларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этиши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талабларни бажариши шарт.

Экологик экспертиза буюртмачиси зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**10-модда. Экологик экспертизани молиялаш**

Давлат экологик экспертизасини ва экологик аудитни молиялаш буюртмачининг маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамоат экологик экспертизасини молиялаш нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёки фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**11-модда. Давлат экологик экспертизаси объектлари**

Давлат экологик экспертизаси объектлари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар;

атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар;

кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

махсус ҳуқуқий режимли объектлар.

**12-модда. Давлат экологик экспертизаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи**

Давлат экологик экспертизаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

давлат экологик экспертизасини ташкил этади ва ўтказади;

давлат ҳамда жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат экологик экспертизасини ўтказишга экспертлар ва мутахассисларни жалб этади;

давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини ололмаган объектларга нисбатан молиялаш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш (тугатиш) тўғрисидаги тақдимномаларни банк ва бошқа кредит ташкилотларига юборади;

давлат экологик экспертизаси хулосаларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

экологик экспертиза ўтказиш масалалари юзасидан бошқа давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**13-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказишнинг мажбурийлиги**

Ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўрсатиб ўтилган объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир.

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади.

**14-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказишда қўйиладиган талаблар**

Давлат экологик экспертизасини ўтказишда:

тақдим этилган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилади;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги таҳлил қилинади;

биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асослилиги текширилади;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш оқибатларининг экологик хавфлилиги даражасини баҳолашнинг тўғрилиги текширилади;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг етарлилиги ва асослилиги аниқланади;

экологик нормативлар лойиҳаларининг асослилиги текширилади.

**15-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиладиган материаллар**

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун буюртмачи томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича – атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳасини, экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнотни ўз ичига олган атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари;

ишлаб турган объектлар бўйича – экологик нормативларнинг лойиҳалари, объектнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсир кўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисида тайёрланган баёнот. Буюртмачи қўшимча тарзда экологик аудит материалларини тақдим этишга ҳақли;

ушбу Қонун 11-моддасининг иккинчи, учинчи, бешинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган объектлар бўйича - тайёрланган барча ҳужжатлар.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш бошлангунга қадар тақдим этилади.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот давлат экологик экспертизаси объектининг техник-иқтисодий асослари тасдиқлангунга қадар тақдим этилади.

Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот объект қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олингунга қадар тақдим этилади.

**16-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертининг ҳуқуқлари**

Давлат экологик экспертизаси эксперти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган, қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган материалларни рад этиш;

давлат экологик экспертизаси объекти бўйича алоҳида фикр билдириш, бу фикр давлат экологик экспертизаси хулосасига илова қилинади.

Давлат экологик экспертизаси эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**17-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертининг мажбуриятлари**

Давлат экологик экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиши;

давлат экологик экспертизаси ўз вақтида, комплекс, холис, сифатли ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда хулоса берилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут сақланишини ҳамда давлат, ҳарбий, хизмат ва тижорат сири бўлган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

Давлат экологик экспертизаси экспертининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**18-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертининг жавобгарлиги**

Ўз вазифасини буюртмачининг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига моддий зарар ёки маънавий зиён етказган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шунингдек, экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик учун давлат экологик экспертизасининг эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**19-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари**

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати ўттиз кундан ошмаслиги лозим. Уни ўтказиш муддати давлат экологик экспертизаси объектининг мураккаблигига қараб Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

**20-модда. Давлат экологик экспертизасининг хулосаси**

Давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулоса тузилиб, у давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги якунларни ўз ичига олган бўлади.

**21-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасини ижро этишнинг мажбурийлиги**

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш ва рўёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек, уларнинг рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган тақдирда, буюртмачи хулосадаги мавжуд таклифларга мувофиқ лойиҳа маромига етказилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечиши шарт.

**22-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати**

Давлат экологик экспертизаси объектининг экологик талабларга мувофиқлиги хусусида давлат экологик экспертизасининг берган хулосаси берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида юридик кучга эга бўлади.

**23-модда. Жамоат экологик экспертизаси**

Жамоат экологик экспертизаси экологик асосланиши тақозо этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия хусусиятига эга бўлади.

**24-модда. Экологик аудит**

Экологик аудит – экологик аудиторлар (фирмалар) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган, атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир.

Экологик аудит хўжалик ва бошқа хил фаолият объекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади.

**25-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Экологик экспертизани ташкил этиш ва ўтказишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**26-модда. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 май.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

## “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йилнинг 1 июлидан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Қонунларини “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифларни Олий Мажлисга тақдим этсин;

ҳукумат қарорларини “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 май.

# ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОРЛАРИ – ХАЛҚАРО БОЗОРГА

*Акс садо*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Шу боисдан ушбу Фармон иқтисодиёт тизими заҳматкашлари, тадбиркорлик асосида иш юритаётган республика корхоналарининг кўп минг сонли меҳнатчилари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида эълон қилинган ушбу Фармон, жумладан, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси меҳнат аҳлига янги куч-ғайрат бағишлади. Бу компания сўнгги йилларда ўз фаолиятини даврнинг янги иқтисодий талаблари асосида тубдан қайта ташкил этиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини замонавий техника билан таъминлаш мақсадидан ташқари халқаро бозор талабларига жавоб берадиган юқори сифатли қишлоқ хўжалик техникасини ҳам ишлаб чиқаришга дадил киришди.

Ҳозирги пайтда компания корхоналари олдида экспорт салоҳиятини кенгайтириш, бунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш каби муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун компания томонидан қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғи бўйича экспорт маҳсулотларини тайёрлашнинг янги стратегияси ишлаб чиқилди. Шунга кўра, экспортга жўнатиладиган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотлари жиддий сараланиб, экспортга ҳозирланади. Нафақат машиналар ва уларнинг айрим йирик бўлаклари, балки энг оддий деталлар, қисмлар ва уларнинг тўпламлари ҳам юқори сифат кўрсаткичларига қараб экспортга танланади. Ҳар бир машина, қисм ва техник детал экспорт талаблари ва ташқи бозор танлови нуқтаи назаридан атрофлича таҳлилдан ўтказилади.

Ҳозирги кунда «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти томонидан Миср, Марокаш, Эрон, шунингдек, Украина, Озарбойжон ва Туркманистон каби давлатларга эҳтиёт қисмлар ва тракторларга тиркамаларни жўнатиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

«Тошқишлоқхўжаликмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Болгарияга 20 та пахта териш машинасини жўнатиш юзасидан шартнома тузди. Ушбу корхона Греция қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига ҳам тракторларнинг эҳтиёт қисмлари тўпламини сотиш масаласини ўрганмоқда. Чунки бу мамлакат пахта далаларида шу заводда ишлаб чиқарилган 300 га яқин пахта териш машинаси ишлаб турибди. Завод томонидан Туркманистон ва Озарбойжон дала меҳнаткашларига ҳам экиш сеялкалари ва культиваторлар сотилди.

Шунингдек, жорий йилда «ЎзКейстрактор» ва «ЎзКейсмаш» қўшма корхоналари ишлаб чиқараётган трактор ва пахта териш машиналарини ҳам экспортга чиқариш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, шу кунларда шерикликда фаолият олиб бораётган Хитой трактор заводи билан ҳамкорликда 30-35 от кучи қувватига эга бўлган кичик тракторларни биргаликда ишлаб чиқариш масаласи кўриб чиқилмоқда. Чунки бундай тракторларга бизда ҳам, бошқа кўпгина давлатларда ҳам эҳтиёж катта.

Компания корхоналари ихтисослашган халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларда, айниқса, холдинг-компания маҳсулотларини мунтазам равишда олиб турадиган мамлакатларда худди шундай тадбирларда қатнашишга қарор қилдилар.

Умуман, мутахассислар компания, шу жумладан, унинг шўъба корхоналарида маркетинг фаолияти яхши йўлга қўйилгани 2000 йил мобайнида тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини экспорт қилишни ҳозиргига нисбатан 132 фоизга кўпайтиришга имконият беради, деб хулоса қилишмоқда.

**Зокиржон БОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# «АФРОСИЁБ»ГА ЯРАШГАН БИНОЛАР





*Бугунги Тошкентни улкан бунёдкорлик майдонига менгзасак, арзийди. Чунки қайтадан таъмирланиб, жило берилаётган ёки мутлақо замонавий услубда қурилаётган кўплаб иншоотлар унинг ҳуснига ҳусн, кўркига кўрк қўшмоқда. Азалдан нон шаҳри сифатида дунёга танилган Бош кентимиз ўз довруғини чор-атрофга таратмоқда. Чунончи, Миробод туманидаги «Афросиёб» кўчасидан ўтган бўлсангиз, кўзингиз тушгандир: сўнгги вақтларда кўчанинг бошланғич қисмида — шундоққина сўл томонда иккита кўпқаватли гўзал турар-жой биноси қад ростлади. Улар ташқи безаклари ва жиҳозларининг ниҳоятда бежиримлиги, пештоқлари ва томларининг меъморий жиҳатдан бир-бирига ғоят уйғунлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, маҳаллий шароитимизга мос тарзда барпо этилгани боис ҳар қандай кишининг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортади. Бу кўркам уйларни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ГАБУС» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қурувчилари қисқа фурсатда тикладилар. Улар йил охиригача худди шундай шакл-шамойилли яна иккита бинони ҳамшаҳарларимизга тортиқ қилиш ниятидалар.*



**СУРАТЛАРДА:** қурилиш иш юритувчиси Александр Пак ғишт терувчи Талъат Йўлдошев билан мулоқотда; «Афросиёб»га ярашган иморатлар; уйларнинг кўркамлиги кўп жиҳатдан М. Белбус ва Ю. Лапшин сингари сувоқчиларнинг маҳоратига ҳам боғлиқ.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

**ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?**

# НОТАРИУС ДАЛИЛЛАРГА ТАЯНАДИ

**– Кишиларнинг ариза ва шикоятлари асосида журналист текшируви ўтказилади. Шу ҳақда батафсилроқ тушунча беришларингизни сўрардим.**

**И. Рашидов.**
**Зомин тумани.**

– Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Бу жараён «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида қайд этилган.

---

**– Дадамнинг «Жигули» автомашинасини ишончнома орқали ҳайдаб юрибман. Мени қизиқтираётгани шуки, ўзимдаги ана шу ишончнома билан машинани бошқа кишига беришим мумкинми?**

**И. Бўрибоев.**
**Чирчиқ шаҳри.**

– Фуқаролик кодексининг 140-моддасига кўра, ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга оширишни бошқага ўтказиши мумкин.

Ваколатларнинг бошқа кишига берилишига асос бўлган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. ФКнинг 136-137-138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бундай ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас. Ваколатларини бошқага берган киши ишончнома берган шахсга буни маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун худди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

---

**– Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилади. Эшитишимча, унинг ҳам ўзига яраша шартлари бор эмиш. Шу тўғрида маълумот берсангизлар.**

**Р. Аҳмедов.**
**Ғаллаорол тумани.**

– Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятноманинг бор-йўқлигини, мерос очилган вақт ва жойини ҳамда мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойини текширади.

Нотариус меросдан шак-шубҳасиз улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ҳам белгилайди.

---

**– Кўпқаватли уйнинг иккинчи қаватида яшайман. Биринчи қаватдаги қўшним умумфойдаланишда бўлган ҳовлида ўнга яқин товуқ боқади. Товуқлар атрофни ифлослантириш билан бир қаторда ҳордиқ чиқаришга ҳам халақит беради. Бундайларга қандай жазо қўлланади?**

**З. Дархонов.**
**Собир Раҳимов тумани.**

– Турар-жой биноларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларнинг санитария ҳолатини сақлаш қоидаларини бузиш, кўп хонадонли уйларда молларни, худди шунингдек одамлар саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдорларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Эркин МАВЛОНОВ тайёрлади.**

*Аҳвол қалай, тадбиркор?*

# МУЛКДОРНИНГ ИШИ ЮРИШСА...

## тезда оёққа туриб олади, ўзини ҳам, юртни ҳам бой қилади

*Илгари жамоа хўжаликларида табелчидан тортиб бригадиргача ҳар тонг уйма-уй юриб, одамларни ишга чақирар, далага зўрлаб олиб чиқилганлар қўл учида меҳнат қилар, ишида унум, барака бўлмас эди. Пахта терими бошланди дегунча, тўй-маросимлар тўхтатилар, ташкилотларнинг эшиклари тамбалаб ташланар эди.*

*Эндиликда одамларнинг ўзлари далага интилмоқда. Ҳар бир ниҳол атрофида парвона бўлмоқда. Она-заминга боғланиб қолган деҳқон ерга меҳрини бераётир. Ер эса унга ўз саховатини, бағридаги бойликни инъом этмоқда.*

*Бироқ ризқ-рўз яратаётган мулкдорлар ишига тўғаноқ бўлаётганлар, идоравий тўсиқлар, афсуски, учраб турибди. Ана шундай иллатларга барҳам беришда, тадбиркорларни қонун йўли билан ҳимоя қилишда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари зиммасига катта масъулият юклатилган.*

*Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи А.ЮСУПОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.*

**– Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича бошқарма томонидан қандай ишлар қилинди?**

– Кўпчилик фермерлар, тадбиркорлар бутун оиласи билан меҳнат қилаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Улар бутун умидини, рўзғор юкини ўзига ажратиб берилган ер билан боғламоқда. Энди, айтинг-чи, йил – ўн икки ой ўз даласидан ёки фермасидан оёғи узилмаган оддий бир меҳнаткашнинг иш ҳақини беришни пайсалга солиш инсофданми? Ахир иш шу йўсинда кетса, ҳалол меҳнат орқасидан кун кўраётган одамнинг ҳафсаласи пир бўлади-ку, қўли ишга бормай қолади-ку. Афсуски, айрим жойларда ана шундай ҳолат ҳамон кўзга ташланмоқда.

Балиқчи туманидаги 27 фермер хўжалиги раҳбарларининг ариза ва шикоятлари ўрганиб чиқилди. «Ғалаба» жамоа хўжалиги «Жаҳонгир» ва «Аббосбек» фермер хўжаликларидан маҳсулотини қабул қилиб олган бўлса-да, ҳақини тўлашга келганда, бошқача йўл тутган. Жамоа хўжалиги раҳбарлари шартнома мажбуриятларини бажармагани учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси юборилди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги ва «Бўстон» жамоа хўжалиги бошқаруви раисига фермерлар билан тайёрловчи ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри контрактация шартномалари тузилишини таъминлаш, қонунсиз аралашишларга йўл қўймаслик бўйича тақдимномалар киритилди.

Пахтаобод туманида «Муҳаббат Жўраева», «Жалолиддин», «Саид Али», «Зулфиқор» фермер хўжаликлари раҳбарларининг туман ҳокимлиги томонидан қайта рўйхатдан ўтказилмаётганлиги, уларнинг мустақил фаолият юритишга тўсқинлик қилинаётгани тўғрисидаги аризалари ҳам ўрганиб чиқилди. Ҳокимлик билан келишилган ҳолда, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу туманда истиқомат қилувчи тадбиркор Р.Раҳимов қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилаётгани ҳақида ариза берди. Бу масала ходимларимиз томонидан синчиклаб ўрганилди. Иш Андижон шаҳар судига оширилди. Суд эса унга нисбатан оқлов ҳукмини эълон қилди.

Адлия бошқармаси Р.Раҳимов манфаатини кўзлаб, қонунсиз жиноий жавобгарликка тортган айбдор шахслардан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилди.

**– Жойлардаги солиқ идораларининг айрим ходимлари далада ишлаётган, маъмурчилик яратаётганлар ишига ҳуда-беҳудага аралашмоқда. Кўп ҳолларда улардан ўнлаб ҳужжатлар сўраб, хуноб қилмоқда. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.**

– Аввало, бир мисол келтирсам. Улуғнор туманидаги Мирзааҳмедов номли ширкатлар уюшмасида Ўсарбой Содиқов деган тиниб-тинчимас инсон меҳнат қилади. Касби шифокор. Ҳозир пенсияда. Меҳнат қилиб ўрганган эмасми, Ўсарбой ака ширкатдан 17 гектар ер олиб, «Сутбулоқ» фермер хўжалигини ташкил этди. Ўғил-қизлари, келинларини ёнига олди. Бугун унинг тасарруфида 53 бош қорамол, 25 та қўй-қўзи, иккита от бор. Ташлама зовурда эса 3,5-4 тонна атрофида балиқ парваришламоқда. Бир йил мобайнида оилавий фермер 5,8 тонна сут, 8,7 тонна дон, 12,3 тонна пахта етиштирди. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиб, дурустгина ҳосил олди.

Қани, айтинг-чи, эрта баҳордан тупроқ кечиб, ризқ-рўз яратаётган Ўсарбой акага ўхшаш инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўрнига текшириш устига текшириш ўтказиш, зиғирдай камчилик топиб, уларнинг бошида тегирмон тоши ўйнатиш қайси қуюшқонга тўғри келади? Афсуски, айрим текширувчи ташкилотлар ходимлари ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан сира тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатларни содир этмоқда. Бу билан улар фермерлар ишига халал берибгина қолмасдан, ўз ташкилоти обрўсига ҳам путур етказмоқдалар.

Пахтаобод тумани ҳокимлигининг статистика бўлими «Аҳмад» фермер хўжалиги ва унинг раҳбари Фарҳод Мадраҳимов фаолиятини элак-элак қилди. Бироқ жўяли хато ёки камчилик тополмади. Туман суди ана шу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, фермерга етказилган зарарни тўла ундириб берди.

Избоскан тумани солиқ идораси ходимлари «Илғор», «Аббос» сингари 12 та фермер хўжалигида текшириш ўтказган. Маъмурий жазо қўллаш муддати ўтган бўлишига қарамай, «маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун» жарима солиниб, 152 минг 700 сўм ундирилган. Ёки бўлмаса, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқаро Нозимжон Қурбоновга нисбатан амалдаги тартиб-қоидаларга хилоф равишда маъмурий жазо қўлланилган. Ҳар икки туман прокуратураси фермерлар манфаатини кўзлаб, жазо чораларини бекор қилди. Даъвогарлар аризаси қаноатлантирилди.

**— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда мулкдорлар сафи кенгайса, фермерлик ҳаракати авж олдирилса, уларга хайрихоҳлик кўрсатилса, ўша ерда иш олдинга силжимоқда. Кўнгил тўладиган натижаларга эришилмоқда. Масаланинг ана шу томонига эътибор қаратилаётган туманларда фермерлар сони йил сайин ортмоқда. Чунончи, атиги бир йил ичида Улуғнорда 136, Шаҳрихонда 169 нафар фермер хўжалиги ташкил этилди. Вилоят миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, ўтган йили 718 фермер ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда улар сони уч мингтага яқинлашиб қолди. Аммо бу кўрсаткич Олтинкўл, Избоскан, Жалолқудуқ, Асака туманларида озайиб кетди. Масалан, Қўрғонтепада 21, Хўжаободда 25 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.**

– Жойларда фермерларнинг турли баҳоналар билан овора қилинаётгани, уларга айрича кўз билан қаралаётгани сир эмас. Сансалорлик, лоқайдлик ҳамон ўз таъсирини ўтказмоқда. Марҳамат тумани прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишича, «Пахтабанк»нинг туман бўлими мансабдорлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истагида ёрдам сўраб келган 18 нафар фуқаронинг аризасини узоқ муддат кўриб чиқмаган. Кредит маблағлари ажратилишини ва берилишини асоссиз равишда пайсалга солган.

Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари эса ўз умрини ер билан боғлашга интилаётган, мол-қўй боқиб, мулкдор бўлишни орзулаётганларга хайрихоҳ бўлиш ўрнига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатмоқдалар. «Пахтакор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К.Омонов ҳатто туман ҳокимининг А.Зокиров номли фермер хўжалигига олти гектар ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарорини бажаришдан бўйин товлаган. Бу масала ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар аралашувидан кейингина ижобий ҳал этилди. Ҳолбуки, қонунга биноан, фуқароларни тадбиркор сифатида рўйхатга олиш ҳақидаги ариза маҳаллий ҳокимликлар ва идоралар томонидан 3 кунлик муддат ичида қайд этилиши лозимлиги аниқ кўрсатилган.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний текшириш оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни аниқлашга, ҳуда-беҳуда текширишларга барҳам беришга эътибор қаратмоқдамиз. Кейинги пайтда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг вилоят ҳудудий комиссияси «Ишонч телефони»га 11 та хабар тушди. Улар зудлик билан ўрганилди.

Бошқармамиз вилоят ҳокимлиги билан биргаликда барча шаҳар ва туманларда тадбиркорлар йиғилишини ўтказди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган кафолатлари тушунтирилди. Муаммолар ўрганилди. Бошқарманинг масъул ходимлари ҳар бир туманга бириктириб қўйилди.

Ишончим комилки, бундан кейин юқорида қайд этилган ҳолатлар такрорланмайди. Мулкдорлар ўз мулкини кўпайтириш, юртни бой қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қиладилар.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**О. ШОДМОНАЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни!*

# ЎҒЛОНЛАР ЮРАГИ ЭЛИМ ДЕБ ЁНАР

Шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосар майор Ашураҳмад Қодиров ҳамроҳлигида ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитлари билан таниша бошладим. Аскарлар ётоқхонаси кенг, ёруғ ва шинам, ниҳоятда тоза, шу билан бирга, юксак нафосат-ла безатилган, деразаларда заррин пардалар, гултувакларда қийғос очилиб турган анвойи гуллар, ташқарида эса мажнунтоллар оҳиста тебраниб, ётоқхоналарга салқин бериб турибди. Хоналарнинг деворлари миллий ганчкорлик намуналари билан безатилган. Маиший хизмат хоналарида эса барча зарур жиҳозлар муҳайё.

Ичкаридаги танишув маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ахборот хонасини кўздан кечириш билан ниҳоясига етди. Ташқарида жуда шинам аскарлар чойхонасига кирганимизда, очиғи, ҳайратимни ҳамроҳимдан яшира олмадим. Аскарлар ошхонасидаги шарт-шароитни кўриб, кўзим қувонди.

Дарвоқе, истиқлолга юз тутган азиз Ватанимизнинг мусаффо осмонида гарду ғубор бўлмаслиги, халқимиз тинч-осойишталиги йўлида фидойилик-ла хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг жанговар, жисмоний, тактик, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликлар асосида давом этаётган хизматлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Талабчан, айни дамда ҳурмат-эътиборли подполковник Шаҳобиддин Усмонов, капитанлардан Маҳмуд Аҳмедов, Баҳром Эргашев, Зоҳид Исроилов, катта лейтенантлардан Игорь Подшивалов, Шуҳрат Тўлаев ва бошқалар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур идрок этишлари аскарларимизнинг жанговар маҳоратларини янада оширишда ниҳоятда қўл келаётганини чуқур ҳис этдик. Посбонларимизнинг бақувват, сабот-матонатли бўлишларида мунтазам равишда ўтказилаётган ҳарбий, жисмоний машқларнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

— Ҳарбий қисмимизда ўз хизмат бурчини муваффақият билан ўтаётган сержант ва оддий аскарларимизнинг ҳар жабҳада баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун биз офицер-командирлар бор билим ва тажрибаларимизни ишга солаяпмиз, — деди майор Ашураҳмад Қодиров. — Шоиру ёзувчилар, санъаткорлар, зиёлилар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари билан мунтазам равишда давра суҳбатлари, шунингдек, учрашувлар ташкил этмоқдамиз. Бундай сермазмун, эзгуликка етаклагувчи тарбиявий ишлар, шубҳасиз, аскарларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжини қондириш билан бирга, уларда Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат туйғусини янада оширмоқда.

Фидойи ўғлонларнинг аъло хизматлари ҳар доим рағбатлантириб келинаётир. Чунончи, кичик сержантлар Аҳрор Умурзоқов, Раҳим Йўлдошев, Акрам Бурхоновлар хизматдаги аъло ютуқлари боис взвод командири ўринбосари лавозимларига тайинланишгани бунинг ёрқин далилидир. Бахшулло Сайфиев ҳамда Шоҳрух Ҳотамов каби сержантлар ҳам аскарларга ўз билим ва маҳоратларини астойдил ўргатишмоқда.

Ҳа, қаердаки аҳиллик, ҳушёрлик бўлса, шу ерда тартиб-интизом, қут-барака, файз бўлади. Мазкур қисм посбонлари шу азиз юрт — Ўзбекистоннинг мард ва жасур ўғлонлари Ватанга садоқат билан хизмат қилмоқдалар.

**Каримжон СОАТОВ.**



## ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

*Мамлакатимиз Президентининг халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш тўғрисидаги фармони халқимиз орасидан етишиб чиқаётган иқтидорли усталар фаолиятини жонлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бундай ғамхўрликдан мамнун бўлиб фаолият кўрсатаётган марғилонлик уста-ҳунармандларга «Ёдгорлик» жамоа корхонаси бош-қош бўлмоқда. Ҳозир мазкур жамоада 4861 нафар иқтидорли уста меҳнат қилмоқда. Улар 1200 дан ортиқ нусхада турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришаётир. Айниқса, улар тайёрлаётган совғабоп заргарлик буюмлари ҳамда гиламлар харидорларга манзур бўлмоқда.*

**СУРАТДА: гилам тайёрлаш цехининг илғор тикувчиси Барнохон Каримова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Ташаббус*

## ТАШВИҚОТ-КОНЦЕРТ ГУРУҲИНИНГ ЧИҚИШЛАРИ

«Янгиҳаёт» жамоа хўжалиги бошқаруви идораси ёнидаги катта ҳовуз бўйида кўчма саҳна ўрнатилди. Кечқурун кексаю ёш «Соғлом авлод» ташвиқот-концерт гуруҳининг чиқишини томоша қилди.

Навбаҳор тумани марказий маданият уйи директори Илҳом Раҳматуллаев «Соғлом авлод йили» тадбирларига ўз улушини қўшиш ҳақида кўп ва хўп ўйлади. Маданият масканида ёки бир қатор кутубхоналарда ўтказилаётган тадбирлар кўлами уни қониқтирмасди. Ниҳоят, маданият бўлими мудири Ихтиёр Ҳамроев билан фикрни бир жойга қўйди. «Навбаҳор тароналари» ашула ва рақс халқ дастасининг хонанда, созандалари ижодидан саралаб алоҳида дастур тайёрлади. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлимлари ходимлари, маҳалла оқсоқоллари вакиллари маърузалар билан чиқадиган бўлишди. Пировардида дурустгина ташвиқот-концерт гуруҳи вужудга келди.

— Ҳар бир хўжалик, бригада, маҳалла-ташкилот ва корхонада дастуримизни намойиш этаяпмиз, — дейди Илҳом Раҳматуллаев. — Чиқишларимизнинг ранг-баранг бўлишига ҳаракат қилаяпмиз. Мақсадимиз — қутлуғ ва тарихий йилда келажак авлод тарбиясига ҳисса қўшиш, қишлоқ аҳлининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдамлашиш, унумли меҳнатга чорлашдир.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ.**
**Навоий вилояти.**

## МАЙКЛ ДАВИДОВ:

# «АВСТРАЛИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЭШИКЛАРИ ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИГА ОЧИҚ»

Мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистон ёшлари хорижий давлатларда ҳам таълим олиш имкониятига эга бўлишди. Республикамизда рўйхатдан ўтган қатор халқаро ташкилотлар, жамғармалар, ваколатхоналар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатларда ўқиш имконини берувчи турли грантлар ажратаяпти. Айниқса, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси хайрли ишларни амалга оширмоқда. Унинг бевосита кўмагида 1997 йилдан буён 600 дан ошиқ ёшлар хорижий давлатлар олий ўқув юртларига таълим олиш учун юборилди.

Хориж олий ўқув юртларида таълим олиш нафақат маълум мутахассисликнинг нозик жиҳатларини ўрганиш, балки дунёни таниш, ҳаётий тажриба орттириш, бошқа мамлакатлар аҳолисида юртимиз ҳақида тасаввур уйғотиш ҳамдир.

Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «Davis Australion internatonal PTY LTD» компанияси дунёнинг ривожланган давлатларидан бири — Австралияда таълим олиш имкониятини яратиш ниятида. Биз мазкур компания ваколатхонаси раҳбари жаноб Майкл Давидов билан Австралия, унинг таълим тизими хусусида суҳбатлашдик.

**— Суҳбат ибтидосини мамлакат тўғрисидаги маълумот билан бошласак.**

— Австралияда ёз ойлари декабр, январ, феврал (ўртача ҳарорат +30С), қиш эса июн, июл, август (ўртача ҳарорат +16С)га тўғри келади. Унинг қирғоқларини Тинч ва Ҳинд океанлари ювиб туради. Тинч океани қирғоғида 2000 йилги олимпиада ватани, дунёнинг гўзал шаҳарларидан бири — Сидней жойлашган. Мамлакат аҳолисининг 97 фоизи шаҳарларда, 3 фоизигина қишлоқ ҳудудларида яшайди.

**— Энди бевосита мамлакатдаги таълим тизими ҳақида тўхталсангиз.**

— Австралияда Британия таълим тизими амал қилади. Инглиз тили давлат тили мақомида. Олий ўқув юртларида бакалаврлик, магистрлик дипломлари берилади. Бакалавр даражасини олиш учун 3-4 йил кифоя. Дарвоқе, Австралия университетлари ҳақида. Австралияда, иккита хусусий университетдан ташқари, барча университетлар давлат қарамоғида ва федерал бюджетдан молиялаштирилади. Улар хорижлик талабаларга таълим олишнинг аниқ йўналишини тақдим қилишади. Агар талаба коллежни юқори балларга тугатган бўлса, ўзи хоҳлаган университетнинг 2-курсига қабул қилиниш ҳуқуқига эга. Мамлакатдаги барча университетларда таълим нархлари бир хил. Бироқ талаблар фарқ қилади. Университет қанчалик обрўли бўлса, инглиз тилидан шунча юқори балл тўплаш лозим бўлади.

Ўқишга 12 ёшдан бошлаб таклиф қилинади. Мактаб ёшидаги болалар инглиз тилидаги курсларда шуғулланиб, кейин суҳбат орқали ўрта мактабга ўқишга қабул қилинади. Балоғатга етмаган болаларга бутун ўқув йили давомида бир киши раҳнамолик қилади. Бундан ташқари, у бирорта австралиялик оиласида яшайди.

**— Мамлакатдаги шароит ва ўқиш нархлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Хорижда ўқиш истагида бўлган талаба, энг аввало, у ердаги ўқиш нархи, таълим бериш сифати, хавфсизлик, яшаш шароитлари, пул имкониятларини синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Ана шу тамойиллардан келиб чиқсак, Австралияда таълим олишнинг афзал томонлари кўплигига амин бўламиз. Мана, қаранг, АҚШ университетларида бир ўқув йилидаги ўқиш нархи 10000 доллардан 12000 долларгача, Буюк Британияда 13000-15000 долларгача бўлса, Австралияда 7300-9000 долларни ташкил этади.

Австралияда турмуш даражаси ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайди. Бунинг устига, истеъмол моллари анча арзон. Бу ерда талабалик визаси билан бемалол ишлаш имкони бор. Бошқа мамлакатларда бундай ҳуқуққа эришиш анча мушкул. Австралия халқининг меҳмондўстлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Мамлакат қонунчилиги бўйича ўқиш учун келган талаба тиббиёт суғуртасини ҳам тўлайди. Бу суғурта тиш касалликларидан ташқари, барча тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш имконини беради.

Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Биласиз, Австралияда чорвачилик, қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Иқлими ҳам қарийб Ўзбекистонникига яқин. Шу жиҳатдан мамлакатларимиз ўртасида муштаракликлар бор. Биз истардикки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари талабалари бизда, бизнинг талабалар сизнинг ўқув даргоҳларингизда таълим олишса, тажриба алмашишса, нур устига нур бўларди. Бундан иккала томон ҳам ютади, деб ўйлайман.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Асқар ШОКИР суҳбатлашди.**

*«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан*

# ҚУЁШГА САЖДА ҚИЛУВЧИЛАР ДИЁРИ

«Авесто» китоби ўзининг маъно ва моҳияти — қомусийлиги жиҳатидан тенги йўқ ноёб ёзма манбадир. Мустақиллик туфайли биз бу тарихий, фалсафий, диний, қомусий асарни ўз она тилимизда ўқишга киришдик.

Юртбошимиз 1999 йил 5 ноябрда Урганчда сўзлаган нутқида «Авесто»дек ўлмас асар яратилган тупроқ — Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳурдир» деганди.

Дарҳақиқат, асарда қайд этилган жуғрофий, тарихий жой номлари, афсоналар, ривоятлар орқали биз Ватан тарихини янада теранроқ ҳис қиламиз. Йўқотилган тенгсиз бисотимизни топиб олгандек қувонамиз...

«Авесто» Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Хоразм тарихи, этнографияси, космогенияси, адабиёти, санъати, маданияти, табобати ҳақида маълумот беради.

Китобда 2244 ном, минг ирмоқли дарё, беҳисоб кўллар, чексиз яйловлар, шифобахш хаома ўсимлиги, бахт ва бойлик қуши Ҳумо, ҳосилдорлик мадҳ этилади.

Асардаги ҳар биз сўз, атама, тарихий номларни алоҳида-алоҳида ўрганиб, китобча ёки мақола қилиш мумкин.

«Авесто» бизни Марказий Осиёнинг икки улкан дарёси — Амударё ва Сирдарё бўйида қадимдан мавжуд бўлган бирлашмалар, давлатлар, уларнинг табиати, бойликлари билан таништиради. Демакки, асар Марказий Осиё ва қўшни мамлакатлар табиий ресурслари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси тўғрисида кенг кўламда маълумот берувчи бебаҳо фалсафий-қомусий манба ҳамдир.

Уни ўша даврларда зарб қилинган тангалар, тоғ ва тошларга ўйиб ёзилган ёдгорликлар, чет эл муаррихларининг асарлари ҳамда ўзимизда сақланиб қолган жуғрофий ва тарихий ному атамалар билан қиёслаб ўрганиш самарали натижалар беради.

Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, «Авесто»-30 (бошқа манбаларда 21) қисмдан иборат». Унинг кўп қисми Искандар Зулқарнайн ва арабларнинг Ўрта Осиёга босқинчилик юришларида куйиб кетган ва бизгача бешдан икки қисмигина етиб келган, холос.

Асар орамий ёзувида битилган бўлиб, кейинчалик Ўрта Осиёдаги бошқа кўп алифболарга ҳам кўчирилган. Бизгача етиб келган энг қадимий нусхаси 1324 йилда кўчирилган ва ҳозирда Даниянинг Копенгаген шаҳридаги кутубхонада сақланади.

Ғарбий Европада «Авесто»ни ўрганиш XV асрларда бошланди. Француз сайёҳи ва олими Анкител де Перрон 1771 йили асарни ўрганиб, кичик бир қисмини француз тилида «Зенд Овеста» (Кичик Овесто) номи билан нашр эттирди. Асар биринчи минг йиллик ўрталарида қайта ишланган бўлиб, унга кўпинча форсий ҳикоялар, ривоятлар киритилган бўлиши табиийдир. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари ҳам шу фикрни исботлайди. «Шоҳнома» ва «Авесто»ни қиёсий ўрганиш ўлкашуносларга катта имкониятлар очиб беради. Чунки Фирдавсий бу хайрли ишни биздан минг йил аввал бошлаган.

Кўҳна Хоразмнинг 50 дан зиёд қалъа, тоғ, дара, сув йўллари, қабристон ва қишлоқларида оташпарастликдан қолган ёдгорликлар ҳамон сақланиб келмоқда. Масалан: «Аҳримон тоғи» — Султон Санжар ғори (халқ тилида Зумакон), «Хара» — Султон Увайс тизмаси, «Атурсп-спенд» — «Ҳазорасп қалъаси», «Хуштимитан» — (Ваянган) Анбарманоқ қишлоғи, «Урва» — Орол бўйидаги шаҳарча, «Маздакхон» — Мазда қалъаси (Қорақалпоғистон) ва бошқалар.

«Авесто»да Хвар (қуёш) аз-замин (ер-зам-замин), яъни оташпарастлар ўлкаси, қуёшга сажда қилувчилар диёри улуғланиб барча мамлакатлар ичра аъло ва биринчиси бўлсин деб Хворазмни яратдим, дейилади. Китобда Хоразм икки ўлка шаклида берилган. Биринчиси Аэрон Вейжо (яъни арийлар — Эрон мулки) ҳамда шимолий қисм ёхуд саккизинчи номерли УРВА (Урга) мамлакати сифатида таърифланади. УРВА мамлакати Вурукаш кўли (баъзан Урвин кўли деб ёзилган) ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий Орол бўйида (геолог-газчилар қўрғони) жойлашган шаҳарчадир.

Юқорида тилга олинган тарихий, жуғрофий атамалар, афсонаю ривоятларни тўплаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, аввало, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, қолаверса, «Авесто»дек асарни ўқиш имконини беради.

**Комил НУРЖОНОВ,**
**халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси.**


# «ТУРОН»

**Акциядорлик тижорат бирлаштирув банки ўз акциядорларига 2000 йил 7 июл соат 10.00 да «Турон» АТББ биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.**

**Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44-уй.**

КУН ТАРТИБИ:

1. «Турон» АТББнинг 2000 йил биринчи ярми фаолияти якунлари ҳисоботи ва амалга оширилиши кўзда тутилаётган устувор вазифалари.
2. Банк Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
3. Банк Кенгаши томонидан тайинланган Банк бошқаруви раиси номзодини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш соат 9.00 дан бошланади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44, «Турон» АТББ.**

**Телефонлар: (371) 144-32-32, 144-27-95, 144-25-64, факс: 144-33-94.**

